Жисмоний шахсларга микроқарз ажратиш
ШАРТНОМАСИ № 3/001/2026

ТТЗ филиали. **09.11.2026**

“PROFIT TREND Mikromoliya Tashkiloti” М.Ч.Ж ТТЗ Филиали (кейинги ўринларда “Микромолия ташкилоти” деб юритилади) 2024 йил 18 сентябрьдаги 83/3-сонли Марказий банкнинг хабарномалар реестрига ва филиал низомига асосан фаолият кўрсатувчи рахбар Абдуллаева Нодира Уктамбой кизи бир тарафдан, фуқаро ---------- (кейинги ўринларда “Қарз олувчи” деб юритилади) (паспорт ----------, ---------- йилда ---------- томонидан берилган), иккинчи тарафдан, биргаликда “Тарафлар” деб юритиладиганлар, мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

I. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Ушбу шартномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Микроқарз – жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунига асосан қайтаришлик, тўловлилик, муддатлилик ва таъминланганлик шартлари асосида мақсадлилик шартлари қўлланилмаган ҳолда миллий валютада берилади.

Микроқарзни қайтариш муддати – микроқарз бўйича асосий қарз ва фоизларни қайтариш муддати.

2.1. “Микромолия ташкилоти” “Қарз олувчи”га, ушбу шартномада назарда тутилган шартларда микроқарз ажратади, “Қарз олувчи” эса ундан кредит беришнинг умумий қоидаларига (таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтаришлилиги ва тўловлилигига) риоя этган ҳолда фойдаланади ва қайтаради.

III. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Ушбу шартнома кучга киргандан эътиборан 3 (уч) банк иш куни ичида “Микромолия ташкилоти” “Қарз олувчи”га микроқарздан фойдаланиш имконини берувчи ссуда ҳисобварағини очади ва ушбу шартноманинг 3.2-бандига асосан микроқарз суммасини белгилайди.

3.2. Микроқарз миқдори 100 000 000 (Бир юз миллион) сўмни ташкил этади.

3.3. Микроқарз нақд пул бериш орқали 24 ойгача бўлган муддатга, имтиёзли даврсиз 24 ойга тенг тақсимланган ҳолда қайтариш шарти билан ажратилади.

3.4. Микроқарз учун йиллик 48 (Қирқ саккиз) фоиз миқдорида устама ҳақ ҳисобланади.

3.5. Фоизлар кредитнинг асосий қарзи сўндирилгунча бўлган давр учун ҳисобланади. Кредит фоиз ставкаси ўзгармас хисобланади.

3.6. Кредит шартномаси тугаш муддати 09.11.2028 йилгача.

3.7. Микроқарз таъминоти сифатида ----------га тегишли заргарлик буюмлари. қабул қилинди.

3.8. “Қарз олувчи” кредит тўловини мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловада қайд этилган кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ кредит тўловини амалга оширилиши лозим.

3.9. “Қарз олувчи”нинг ҳисобварағига ҳар ой кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи, пенсия ва бошқа турдаги келиб тушган маблағлар ҳамда нақд пул ҳисобидан кредит шартномаси шартларига мувофиқ кредит тулов графигига асосан белгиланган санадан кейин кредитнинг пеняси, фоизи ва асосий қарзи сўндирилиб борилади. Бунда, биринчи навбатда,
пеня, муддати ўтган фоизлар ва асосий қарз, кейинги навбатда ҳисобланган жорий фоиз қарздорлиги ва асосий қарз сўндирилади.

3.10. “Қарз олувчи” микроқарзнинг асосий қарзи ва фоиз қарздорликлари шартномада белгиланган муддатда сундирилмаган тақдирда қарз олувчининг банк пластик картасидан акцептсиз равишда Микромолия ташкилоти томонидан ундириб олинади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Микромолия ташкилоти” қуйидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Микроқарз ажратиш бўйича Кредит комиссиясининг ижобий қарори қабул қилингандан сўнг 3 (уч) банк иш куни ичида мижозга ссуда ва бошқа зарур ҳисобварақлар очади.

4.1.2. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, Микромолия ташкилоти қарз олувчи зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида қарз олувчи билан шартномада келишилган ҳар қандай алоқа боғлаш усулларидан, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, қарз олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида хабар беради ва қарз олувчидан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабабларини сўрайди.

4.2. Микромолия ташкилотининг ҳуқуқлари:

4.2.1. “Микромолия ташкилоти” “Қарз олувчи” га ажратилган кредит бўйича муддати ўтган кредит қарздорлиги, график бўйича қарздорлиги, асосий қарз ва унга ҳисобланган барча фоиз тўловлари, шунингдек оширилган фоизи қарздорликлари ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, қарз олувчининг кредит юки ошиб кетишини олдини олиш ва микромолия ташкилоти кредит рискини камайтирш мақсадида кредит таъминотига қаратади ёки кафилнинг иш ҳақи (пенсия) ва бошқа мақсадлар бўйича очилган пластик картасидан акцептсиз автоматик равишда ундириб олади;

4.2.2. Мижоз томонидан ушбу шартнома шартларининг бажарилиши, кредит таъминоти, кредит шартномаси шартлари тўғрисидаги маълумотларни “Кредит ахбороти таҳлилий маркази” ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит Ахбороти Давлат Реестрига тақдим қилиб боради;

4.2.3. Микромолия ташкилоти қарз олувчини қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ўз молиявий аҳволини таҳлил қилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши лозим:

- қарз олувчининг қарз юки жорий молиявий аҳволига мос келиши;

-Микромолия ташкилоти хизматини кўрсатиш шартномасида кўрсатилган мажбуриятларини бажариши учун тахминан қайси муддатларда ва қанча миқдорда пул маблағлари келиб тушиши кутилаётганлиги (масалан, жисмоний шахслар учун - иш ҳақи тўланиши, бошқа даромадлар олиши даврийлиги);

4.2.4. Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва (ёки) фоизларни тўлаш муддатларини бузганда, Микромолия ташкилоти тегишли кредит шартномасида назарда тутилган усулда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарз олувчига етказиш.

4.2.5. Талабномада белгиланган муддатда ўттиз кун ичида қарз олувчи унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, Микромолия ташкилоти тегишли талаб билан судга мурожаат қилади ва гаровга қўювчи томонидан гаров мулкини 3-шахсга сотишга этироз билдирмайди.

4.2.6. Кредит қарз олувчи томонидан муддатида қайтарилмаган ҳолда муддати ўтган кредит асосий қарздорлигига кунига 0.5 фоиз пеня хисоблайди лекин йиллик кредит шартномаси бўйича қарз суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда амалга оширади. Қўшимча фоизлар, воситачилиик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундирилишига ёки хисобланишига йўл қўйилмайди.

4.2.7. Мижоз кредит шартнома шартларини бузган тақдирда "Микромолия ташкилоти" белгиланган тартибда Қарз олувчини огохлантиради. Талабномада кўрсатилган муддатларда Қарз олувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда "Микромолия ташкилоти" Кредит шартномасини бир тарафлама бекор қилиб, кредит таминоти (гаров мулки)га белгиланган тартибда қаратади.

4.3. "Қарз олувчи"нинг мажбуриятлари:

4.3.1. Микроқарз қолдиғини ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда БПК ҳисобварағига кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи, пенсия ёки бошқа турдаги маблағлар ҳисобидан ҳамда нақд пул маблағларини кирим қилиш орқали қайтариш жадвалига асосан ўз муддатида тўлаб боради;

4.3.2. Ойлик иш ҳақи маоши ёки пенсия миқдори камайган тақдирда бу ҳақда банкни 3 (уч) банк иш куни мобайнида хабардор қилади;

4.3.3. “Микромолия ташкилоти” томонидан “Қарз олувчи”га ажратилган кредит бўйича муддати ўтган кредит қарздорлиги, график бўйича қарздорлиги, асосий қарз ва унга ҳисобланган барча фоиз тўловлари, шунингдек оширилган фоизи ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, қарз олувчининг **гаров мулкига**, иш ҳақи (пенсия) ва бошқа мақсадлар бўйича очилган банк картасидан акцептсиз автоматик равишда ундириб олинишига тўсқинлик қилмайди.

4.3.4. Шартнома бекор қилинган ҳолларда қарз олувчи кредит асосий қарзи ва фоиз тўловларини муддатидан олдин тўлиқ қайтариш мажбуриятини олади.

4.4. "Қарз олувчи"нинг ҳуқуқлари:

4.4.1. микроқарз бериш қоидалари билан танишиб чиқиш;

4.4.2. ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан микроқарз бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

4.4.3. шартнома шартларининг белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаганда, томонлар амалдаги қонунчилик асосида жавобгардирлар.

5.2. Агар, “Қарз олувчи” томонидан микроқарз маблағлари ўз муддатида қайтарилмаганда микроқарзга "Фоиз ўстирмаслик" мақоми берилади хамда мазкур шартномага муофиқ фоизлар хисобланиб борилади ва ҳисобланган фоизлар “Қарздор”дан тўлиқ ундирилади;

5.3. **Тарафлар** ўз мажбуриятлари бўйича ўзларининг мулклари билан ҳам жавобгардир.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартнома ёки унинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли судларда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 289-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 76-80-моддалари, Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сонли “Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз ошириладиган хужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан кўриб чиқиш орқали ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафларнинг эркси ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгарликдан озод этиладилар.

Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчкиси ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

7.2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

7.4. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома Тарафлар имзолаган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади ва таъминот ҳужжатлари расмийлаштирилиб Микромолия ташкилотига тақдим этилгандан сўнг юридик кучга киради. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Микромолия ташкилоти»	**«Қарз олувчи»**
«PROFIT TREND Mikromoliya Tashkiloti» MCHJ TTZ filiali	----------
Манзил: Тошкент ш. Мирзо Улугбек тумани Юзработ кўчаси 22-уй 87- хонадон	Манзил: ----------
Тел: +998 62 227 73 00	Тел: ----------
х.р 20216 000 0 05325600 005	Паспорт маълумотлари: ----------
МФО: 00083 **ИНН:** 308 064 674	---------- томонидан
Банк: “Хамкорбанк” АТБ Пойтахт универсал Банк хизматлар офиси	---------- йилда берилган
	ИНН: ----------
_____ **Н.У.Абдуллаева**	_____